

## «Мен» лик касалига дучор бўлиб қолманг!



18:30 / 22.03.2022 2184

Шаръий илм дегани — бу Ислом шариатига тааллуқли бўлган ибодатлар ва муомалатлар фикҳи, Қуръони Карим тафсири илми, Ислом ақидаси илми, Набавий ҳадиси шариф илми, шунингдек, қироатлар ва тажвид аҳкомлари илмлари демақдир.

«Ёзаётган китобларингизда олдин ўтган уламолардан ўзингизни юқори олишдан эҳтиёт бўлинг. «Олдинги уламолар қолдириб кетган, кейингилар қила олмайдиган ишни қилдим», дейишдан сақланинг! Тилингиз, қаламингиз, зеҳнингиздан «камина», «ходимингиз», каби сўзлар тушмасин, «Биз», «мен» лик касалига дучор бўлиб қолманг! Чунки бу – бетайин, сурбет, ўзини юқори оладиган кишиларнинг ишидир!

***Шайх, аллома Абдулфаттоҳ Абу Ғудда раҳимаҳуллоҳ***

Бутун умрини ўз жамоати эмас балки, Исломга хизмат қилиш билан яшаб ўтди. Ўз манҳажига эмас балки, Исломга чақириб яшаб ўтди. Муслмонларни ўз фикри, ғоясига эмас балки, Исломнинг ягона калимасига жамлаш учун уриниб, ҳаракат қилиб яшаб ўтди... Ер юзида унга қабул битилди! Чунки бу инсон — кибор Ислом мутафаккири, даъватчи, аллома Абул Ҳасан Надавийдир.

Фақиҳ ибн Ҳажар васвасанинг муолажаси ҳақида «Фатавои фикҳиййатил кубро» асарида шундай баён қилади:

«Васваса хасталигига даво борми?» деб сўралди. Жавоб бериб: «Унга фойдали даво бордир. Унинг аломатлари ҳақида сўз юритилса, агар кишида тараддудланиш, иккиланиш каби ҳолат кузатилса, у бироз вақт ўтиши билан кетади. Бу нарса ушбу ҳолатга тушганлар тажрибасида кўрилган.

Энди унга қулоқ тутиб эргашган бўлса, у зиёдалашиб бориб, мажнунлик, жинниликлар доирасига туширади. Ҳатто унданда қабихроқ ҳолга тушади. Ушбу ҳолатларга тушганларда бу давом этиб, у васвасага эргашиш ва шайтонга эргашиб кетиш ҳолатларига гувоҳ бўлганмиз.

Саҳиҳ манбаларда келтирилишича, кимки юқорида зикри келган васвасага дучор бўлса, Аллоҳ таолодан шайтоннинг васвасасидан паноҳ сўрасин.

Ушбу фойдали даво ҳақида тааммул қилгин. Зеро, ушбу ўз нафси - ҳавосидан эмас балки, ваҳий қилинганни нутқ этувчи зот – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам таълим берганлар. Билгинки, кимки ундан маҳрум бўлса, барча хайрдан маҳрум бўлибди. Чунки васваса шайтон томонидан бўлишига иттифоқ қилинган. Лаънатланган шайтоннинг муроди мақсади, фақатгина мўминни залолат, адашишга тушириш, қисилиб - қимтиниш, машаққатли ҳаёт, нафс зулмати ва маънисиз, зерикарли ҳаётда қолдириш билан кишини ўзи сезмаган ҳолда Исломдан чиқаришдир. **«Албатта, шайтон сизга душмандир. Бас, уни душман тутинг».** (Фотир сураси, 6-оят).

**«Тақво қилувчилар, агар уларга шайтондан бир шарпа етса, зикр қиларлар, бас, кўрибсанки, улар (тўғри йўлни) кўрувчи бўлиб турибдилар».** (Аъроф сураси, 201-оят).

Аллоҳни зикр қилиш, ҳар доим эслаб юриш шайтонга қарши энг ишончли ва кучли қуролдир. Шайтондан бирор бир шарпа (васваса, иғво ва ғзаб) етиши жаҳолат, кўрлик ва нодонликка бошлайди. Аллоҳнинг зикри эса, илм-маърифат, кўзи очиқлик ва оқиллик манбаидир.

***Манбалар асосида Хуршид Маъруф тайёрлади***